

ПЕДАГОГИКА. ПСИХОЛОГИЯ

НОТИҚ НУТҚИ ПСИХОЛОГИЯСИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР



Беғам Холмановна ҚОРАЕВА
педагогика фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети
Москва давлат лингвистика
университети

Аннотация

Мазкур мақола нотиклик санъатида нотик нутқи таснифини ўрганишга бағишланган. Унданотик нутқи психологиясига алоҳида эътибор қаратилган, чунки бу жараёнда нафақат тингловчилардаги сезиш, қабул қилиш, тасаввур, тафаккур каби руҳий хусусиятлари, балки шахсинг қизиқишлари, майли, хулқ-атвори, табиати, мизожи ва қобилиятини ҳам ўрганиш ва эътиборга олиш муҳимдир.

Калит сўзлар: риторика; нотиклик санъати; психология; шахс; таълим-тарбия; нутқ психологияси; мулоқот жараёни; педагогика; нутқ маҳорати.

НЕКОТОРЫЕ ЗАМЕЧАНИЯ О ПСИХОЛОГИИ РЕЧИ ВЫСТУПАЮЩЕГО

Беғам Холмановна ҚОРАЕВА
кандидат педагогических наук, доцент
Узбекский государственный университет мировых языков
Московский государственный лингвистический университет

Аннотация

Данная статья посвящается изучению характеристики речи выступающего в ораторском искусстве. В статье уделяется особое внимание к психологии речи оратора, потому что в этом процессе не только ряд психологических особенностей, как чувство, восприятие, воображение, мировоззрение, а также важно изучить и обратить внимание на интересы, желания, характеристику, темперамент и способности личности.

Ключевые слова: риторика; ораторское искусство; психология; личность; образование; воспитание; психология речи; процесс диалога; педагогика; мастерство речи.

SOME REMARKS ON THE PSYCHOLOGY OF SPEECH'S SPEECH

Begam Holmanovna KORAEVA
Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor
Uzbekistan State University of World Languages
Moscow State Linguistic University

Abstract

The present article is dedicated to the studies of characteristic of the speech of the speaker in the oratory. The special consideration is given in the article towards the psychology of the orator's speech, because in this process there is not only the number of the psychological features such as feeling, perception, imagination, outlook, but it is important as well to study and to pay attention to the interests, wishes, characteristic, temperament and ability of the personality.

Keywords: rhetoric; oratory; psychology; personality; education; upbringing; psychology of speech; process of dialogue; pedagogy; skill of speech.

Нотиклик маҳоратини эгаллаш асосида таълим ва тарбия назарияси туради. Таълим жараёни бу икки тараф, яъни нотик ва тингловчиларнинг мулоқотжараёни ҳисобланади. Ана шу жараёнда нотик ўз тингловчилари билан бу жараёнга хос бўлган аниқ муносабатга киришади. Нутқ жараёнида нотик тингловчиларга фақат билим, кўникма, малакаларни бериб қолмайди, балки мавзу доирасида янги фикрларни бериши зарур бўлади. Бу орқали у тингловчиларни янги ҳақиқатларни очишга, ижодий, мантикий фикрлашга ундайди. Буни ўзига хос мантикий тафаккур тарбияси дейиш мумкин.

Кундалик мулоқот жараёнида муваффақиятга эришиш учун мулоқотда иштирок этувчиларнинг индивидуал психологик жиҳатдан ўзига хос томонларини билиш зарур бўлади. Антикдаврлардан буён шахс тузилишини таърифлашда турли хил ёндашувларнинг мавжудлиги, юзлаб таснифларнинг таклиф қилинганлиги маълум (1, 48). Нотиклик маҳоратига эришиш, бу санъатни тўлиқ эгаллаш учун нотик нафақат тил, адабиёт, тарих, фалсафа фанларидан, балки педагогика, психология фанларидан ҳам хабардор бўлиши, уларнинг асосий қоидаларини билиши зарур. Нутқ жараёнида сўзловчининг бу фанларни қай даражада эгаллаганлиги сезилиб туради, яъни нотик ўз нутқи давомида бу фанларнинг ютуқларидан фойдалана олиши зарур бўлади.

Биз ушбу тадқиқотимизни олиб бораётган университет талабалари асосан эртанги кун педагогларидир. Ҳар бир нутқ эгаси эса қайсидир маънода педагог, психолог бўлиши талаб қилинади. Нотик билим бериш, ўз мақсадини чиройли нутқ орқали аудиторияга етказиб беришга ҳаракат қилар экан, унинг вазифаси таълим ва тарбияни бирга қўшиб олиб боришидан иборат.

Педагогика ва психология ёнма-ён турган, нутқ маданияти, нотиклик маҳоратини эгаллашда яқиндан ёрдам берадиган энг муҳим фанлардир. Инсон руҳияти, табиатини билмай туриб, нотиклик маҳоратини эгаллаб бўлмайди. Маъруза нутқини таёрлашдан бошлаб, уни амалга оширишгача нутққа психологик назардан ёндашиш зарур. Нотик нафақат тингловчиларга

билим, маълумот бериши, балки уларни ишонтира олиши зарур. Яна ишонтириш жараёнида у тингловчиларни хайратлантириши, хаяжонлантириши, уларда ҳиссиётлар уйғотиши, аудиторияга эмоционал таъсир кўрсатиши керак. Нотик нутқи аудиторияга таъсир этибгина қолмай, балки унга жуда боғлиқ бўлади, яъни тингловчилар ҳам нотикқа шу даражада боғлиқ бўлгандагина, мақсадга мувофиқ ҳолат юзага келади. Баъзан тингловчилар нотикқа ҳам таъсир ўтказишлари ва бу таъсирнинг кўринишлари, мазмуни турлича бўлиши мумкин, масалан, тингловчиларнинг мавзуга, нотикқа нисбатан хайрихоҳлиги ёки аксинча, нотикни қабул қилмасликлари ёки нотик ва мавзуга нисбатан бефарқлиги каби ҳолатлар бўлиши мумкин. Шунинг учун нотик мавзу бўйича тайёргарлик кўра бошлаганиданто уни тайёрлаб бўлгунига қадар унга психологик нуқтаи назардан ёндашув керак бўлади. Нотик бу жараёнда инсон ҳаётининг рухий хусусиятлари, ҳолатларини ҳисобга олиши лозим.

Инсоннинг сезиш ва қабул қилиш, яъни идрок этиш, тасаввур қилиш, тафаккур қилиш, хотира, ҳиссиёт ва ирода бу жараёнда муҳим роль ўйнайди. Булар ҳам нотик учун, ҳам тингловчилар учун бирдек зарурий жиҳатлардир. Агар нотик ўз маърузасини юқорида келтирилган жиҳатларни ҳисобга олиб тузса, унинг нутқи таъсирчан, ёрқин, аниқ мақсадли, қисқа бўлса, тингловчиларнинг сезги органлари унинг маърузасини қийинчиликсиз, мамнунлик билан, кўтаринки руҳда қабул қилади. Агар бунинг акси бўлиб, нутқ узундан-узун, қуруқ гаплардан иборат ва мантиқий боғланмаган, изчил бўлмаган фикрлар орқали баён қилинса, бу тингловчиларнинг сезги органларига салбий таъсир кўрсатади.

Инсоннинг идрок қилиши деганда, биз борлиқдаги предмет, нарса, воқеа-ҳодисаларнинг, яъни сезгимизга таъсир этиб турган нарсаларнинг онгимизда бевосита акс этишини тушунамиз. Инсоннинг идроки унинг сезги органларига таъсир кўрсатаётган бирор предмет, нарса, воқеа-ҳодисанинг оддий образи эмас, балки ҳар бир инсоннинг тажрибаси заминиди, ҳаёт фаолияти давомида англаб, тушуниб оладиган образдир. Нотик ўз нутқининг дастлабки жумлаларидан бошлаб тингловчиларнинг эътиборини ўзига қаратишга ҳаракат қилиши керак. Бу ҳолатни мулоқотнинг охиригача ушлаб қолишга ва тингловчилар билан жонли мулоқот олиб боришга ҳаракат қилса, нутқи муваффақиятга олиб келади. Баъзан шундай ҳолатлар бўлиши мумкин, яъни нотик ўз нутқи орқали тингловчиларга қараб уларнинг сезги органларига таъсир этиб турган пайтда ҳам тингловчилар уни идрок этмасдан туришлари мумкин, яъни нотикқа тикилиб, қараб турган бўлсалар-да,

уларнинг хаёллари қочиши, чалғиши мумкин. Нотик буни сезиши, ўз нутқи орқали тингловчилар диққатини яна объектга қайтариши зарур бўлади. Шундай ҳолатларда тингловчиларга савол билан мурожаат этиш, риторик сўроқгаплардан фойдаланиш, тингловчилар диққатини бир марказга тўплаб ўзига қаратадиган хатти-ҳаракатлар, хитоблар орқали нутқини давом эттириши мумкин. Баъзида бир озгина муддатга мавзудан четга чиқиш, ҳам ўз самарасини беради. Бирор шеърий парча айтиб бериш ёки бирор ҳазил-мутоиба, латифа айтиши мумкин (бу нарсалар айнан мавзу доирасида, қисман бўлса ҳам мавзуга алоқадор бўлиши, баъзан эса тамоман бу мавзуга алоқадор бўлмаслиги ҳам мумкин). Нотик маърузани бошлаган пайтиданок тингловчиларнинг руҳий ҳолатига, умумий жараёнга эътибор бериши лозим, ўшандагина тингловчиларнинг бефарқлиги, эътиборсизлиги ва шунга ўхшаш нохуш ҳолатларнинг юзага келишига йўл қўймайди. Ўз фаолиятини эндигина бошлаган ёш нотиклар (масалан, талабалар), кўпинча, тингловчиларнинг нотикқа муносабатини унча яхши англай олмайдилар, хато қиладилар. Тингловчилар хатти-ҳаракатидаги негатив ҳолатларни ўзига нисбатан билдириладиган муносабат деб тушунадилар. Баъзида ҳақиқатдан ҳам шундай бўлиши мумкин, лекин кўп ҳолатларда тингловчилар нотикқа нисбатан хайрихоҳ ёки нейтрал муносабатда бўладилар. Шу боис нотикнинг ўзи тингловчиларга нисбатан уни тушунувчи ҳамкор сифатида муносабатда бўлиши ижобий натижа беради.

Нутқ жараёнида тингловчиларнинг нутқини ихтиёрий равишда идрок этишларига эришиш лозим. “Расмий риторика” (“Деловая риторика”) ўқув қўлланмасининг муаллифлари Л. Введенская ва Л. Павлова психологларнинг муҳим бир фикрини таъкидладилар, яънимулоқотда самарали натижага эришиш учун, ўзаро мулоқотда бир-бирини тушуна олиш учун инсоннинг сенсор тизимлари катта таъсир кўрсатади. Сенсор таърибаси соҳасида инсоннинг ҳис қилиши ва борлиқни қабул қилиши борасида инсонларнинг уч хил кўринишдаги ҳолатларини таърифлаб ўтилади (1, 51).

Визуал тип кўринишидаги кишилар ахборотни аниқ суратлар, кўз олдида намоён бўлувчи образлар кўринишида тасаввур қиладилар. **Аудиал тип** кўринишдаги тингловчилар эса маълумотни яхши қабул қилиш учун сўзни кўп қўллашни маъқул кўрадилар. **Кинестетик тип** кўринишидаги тингловчилар эса ҳис-туйғу, ҳаракатларни яхши эслаб қоладилар (1, 51).

Визуал тип кўринишидаги кишилар бирор ахборотни етказадиганларида қўл ҳаракатларини ишга соладилар. Тасаввур қилиш мумкин бўлган нарса-предметларни қўл ҳаракатлари билан ҳавода чизиб

кўрсата бошлайдилар. Агар у тоифадаги нутқ эгаларининг чиқишларини таҳлил қилсак, улар ўз нутқларини “Марҳамат, кўз олдингизга келтиринг, тасаввур қилинг...”, “Мана қаранг...”, “Мен ҳозир кўриб турибман...”, “Мен тасаввур қилаяпман...”, “Мана шундай ҳолат юзага келяпти...”, “Менимча, бу кўриниш жуда яхши...” ва ҳоказо кўринишдаги жумлалар билан давом эттиришлари мумкин.

Аудиал тип кўринишидаги нутқ эгалари эса “Сиз бу ҳақда эшитгансиз...”, “Бир эшитиб кўринг-а...” ,” Марҳамат, эшитиб кўринг...”, “Менимча, бу жуда яхши эшитилади...”, “Мен сизни эшитяпман...” ва шунга ўхшаш жумлаларни ўз нутқларида кўп қўллайдилар.

Кинестетик тип кўринишидаги нутқ эгалари эса муайян ҳиссиётларни, ҳаракатларни яхши эслаб қоладилар. Ўз нутқларида, суҳбат жараёни давомида ҳаракатларни тасаввур қилишга ундайдилар, ўз ҳаракатлари билан кўрсатишни маъқул кўрадилар. Шунинг учун нутқларида *ушлаб кўрмоқ, ҳис қилмоқ, тасаввур қилмоқ, сезмоқ, синаб кўрмоқ, текишириб кўрмоқ* ва бошқа феълларни тез-тез қўллашлари мумкин.

Олиб борилган тадқиқотларга кўра 40 фоиз одамлар ўз бошидан кечирган нарсаларни баён этишда визуал тизимни маъқул кўрадилар. Худди шу каби 40 фоиз одамлар кинестетик тизимдан фойдаланадилар, қолган 20 фоиз одамларгина аудиал тизимни қўллайдилар (1, 51).

Юқорида санаб ўтилган уч хил кўринишни ҳам нутқ эгалари ўз нутқларида (нутқ қандай кўринишда бўлишига қарамасдан) қўллашлари мумкин, лекин бу кўринишлардан биттаси ҳар бир нутқ эгасининг нутқий фаолиятида етакчи ўринни эгаллайди.

Нутқда нафақат маълумотлар, қизиқарли далиллар, исботлар, мисоллар кўп бўлиши, балки тингловчиларнинг ёши, қизиқишлари, касбий фаолияти ҳисобга олиниши зарур. Бу эса тингловчиларнинг аввалдан идрок қилинган нарсаларни тасаввур қилишлари учун имконият беради. Нотиқ уларни ўзлари билган, идрок қилган нарсаларни эслашига, тасаввур қилишига ёрдам берган бўлади. Тасаввур қилиш эса инсонларнинг нутққа бўлган қизиқишини оширади.

“Нотиқлик маҳорати” китобининг муаллифлари Б.Ўринбоев ва Т.Солиев тасаввурнинг турлича намоён бўлиши ҳақида фикр юритиб, тасаввурни тиклаш тасаввури, ижодий тасаввур, ихтиёрсиз ва ихтиёрий тасаввур каби турларига ажратиб кўрсатади (2, 7).

Реал тасаввур қилиш, унинг кенг, мазмунли ва кучли бўлиши инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларида муҳим ижобий аҳамиятга эгадир.

Тингловчиларда мана шундай тасаввурларни ривожлантиришга ундаш нутқнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Нутқ жараёнида тасаввурнинг ривожланишига нутқнинг мазмунигина эмас, балки нотик томонидан қўлланадиган усуллар ҳам ёрдам беради. Тасаввурнинг ривожланиши, тўлиқ бўлиши учун нутқда кўргазмалилик бўлса, яъни айтилган фикрларнинг исботи суратлар, жадваллар, карталар ёрдамида баён этилса, бу ҳам катта ёрдам беради. Бу ижодий тасаввурнинг ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

“Нутқ маданияти ва нотиклик санъати”, “Ўзбек тилининг амалий услубияти” фанларидан ҳар бир мавзу бўйича тайёрланган дарс ишланмаларида (технологик карталар) кўргазмалилик, ўқитиш воситалари билан ишлаш назарда тутилган.

Нотик нутқи психологияси деганда, бу жараёнда тингловчиларда сезиш, қабул қилиш, тасаввур, тафаккур, хотира, ҳиссиёт, ирода каби руҳий хусусиятларнинг таркиб топиши тушунилади, шунингдек, инсон шахсининг хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш керак, яъни шахснинг қизиқиши, майли, хулқ-атвори, табиати, мизожи ва қобилиятини чуқур ўрганиш ва эътиборга олиш ҳам муҳимдир. Тингловчиларнинг қизиқишлари, ёш хусусияти, қобилияти, хулқ-атвори, улар яшаётган муҳит, замон нуқтаи назаридан ўйлаб тузилган режалар асосидаги маърузалар бўлса, бундай нутқлар тингловчиларни қизиқтира олади, уларда келажакка ишонч уйғотиш, янги ишларга чорлаш хусусиятларига эга бўлади.

Умуман олганда, нотиклик маҳоратини эгаллаш мантиқ, педагогика ва психология фанларининг асосий қонун-қоидаларини мукамал ўрганишни тақозо этади. Нотик ўз олдига қўйган мақсадига эришиши учун нутқини янада чиройли, таъсирчан қилиши, ҳар қандай вазиятда жараённи назорат қила оладиган интеллект эгаси бўлиши талаб қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Введенская Л.А., Павлова Л.Г. Деловая риторика. – М., 2016. – 536 с.
2. Ўринбоев Б., Солиев Т. Нотик нутқи маҳорати. – Тошкент, 1984. – 104 б.